

Xoliqov Abror Tojimurodovich

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali v.b. dotsenti., q.x.f.f.d., (PhD)

Qurbonkulova Umida Xusan qizi,

mustaqil tadqiqotchi Ingichka tolali paxtachilik ITI

Sayfiddinov Shaxobiddin,

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali talabasi

Boymurodova Sevinch,

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali talabasi

Annotatsiya. *Toshkent viloyatining qadimdan sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlari sharoitida soyani Orzu va moshning Durdoni navlarining takroriy ekin sifatida maqbul qator kengliklarida ekish tizimlari va ko'chat qalinligini hamda o'g'it me'yorlarini ishlab chiqish yuqori don hosili yetishtirishda muhim ahamiyatga ega ekanligi aniqlangan.*

Аннотация. *В условиях староорошаемых типичных сероземных почв Ташкентской области выявлено важное значение разработки схем посева и густоты стояния сортов сои Орзу и маш Дурдона посеянной в качестве основной культуры при оптимальной ширине междурядий для получения высокого урожая зерна.*

Annotation: *Based on the research work on development of optimal sowing scheme and plant density to obtain high-quality grain yield of soybean varieties Orzu and Mosh in conditions of typical sierozem soils of the Tashkent province:*

Kalit so'zlar: *eskidan sug'oriladigan tipik bo'z tuproq, takroriy ekin soya va mosh navlari, ekish tizimlari, unuvchanlik, harorat, bahorgi muddat, ko'chat qalinliklari va o'g'it me'yorlari hamda don hosildorligi.*

Ключевые слова: типичная серая почва, орошаемая из старых, повторяющиеся сорта сои и мха, системы посадки, всхожесть, температура, толщина саженцев и нормы удобрений, а также урожайность зерна.

Keywords: typical gray soil irrigated from old ones, repeated varieties of soybeans and moss, planting systems, germination, temperature, thickness of seedlings and fertilizer rates, as well as grain yield.

Кириш. Бугунги кунда дунё бўйича аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноатни хом ашёга бўлган талаби ортиб бормоқда. Хозирги кунда такрой экин сифатида соя ва мош Бразилия, АҚШ, Аргентина, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатларда етиштирилиб, жами 110,4 млн. гектар майдонни ташкил этиб, ўртача дон ҳосилдорлиги 20,5 ц/га ни ташкил этади. Бир гектар ердан олинadиган ялпи ҳосилдорлик Японияда 30 ц/га, Хитойда 25 ц/га, Германияда 44 ц/га га тенгдир. Бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш, қишлоқ хўжалигида соя ва мош экиндан юқори ва сифатли маҳсулотлар етиштириш қанчалик долзарб эканлигини кўрсатади.

Материал ва услублар. Тажрибани жойлаштириш, фенологик кузатишлар, униб чиққан ниҳолларни ҳисоб-китоб қилиш ишлари ЎзПИТИнинг “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (1) қўлланмаси асосида ўтказилди.

Маннопова М., Сиддиқов Б., Мирзааҳмедов Б. (2) ларнинг тақидлашича соя экини майдонлари жаҳонда йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Дунё деҳқончилигида соя экиладиган майдонларнинг салмоғи 75 миллион гектардан ортди. Ана шулар амалга оширилиши учун юқорида келтирилаётган экинларнинг такрорий қилиб ўстиришга мос эртапишар, серхосил навлари бўлиши лозим.

Мирзаев Н., Абдуазимов А. (3) лар илмий фаолиятларида соянинг “Тўмарис Ман-60” навининг азотли ўғит берилмаган назорат вариантыда 1000 дона доннинг вазни ўртача 135,1 грамм, азотли ўғит 60 кг/га берилган

2-вариантда 137,5 грам, азотли ўғит 90 кг/га берилган 3-вариантда 138,3 грам, азотли ўғит 120 кг/га берилган 4-вариантда 139,6 грам, азотли ўғит 150 кг/га берилган 5-вариантда 140,7 грамни ташкил этди.

Натижа ва мунозаралар. Такрорий экин сифатида экилган ва ўрганилган мош ва соянинг барча кўрсаткичлари орасида дон ҳосили муҳим аҳамиятга эга. Чунки қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири ҳосилдорликда янада яққол намоён бўлади.

Минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда мош ва соянинг дон ҳосилига таъсири бўйича кўрсаткичлар, 1-расмда келтирилган.

Аввалом бор шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мош ва соя такрорий экин сифатида кузги буғдойдан кейин экилган бўлиб, дон ҳосили кўрсаткичлар изланиш йиллари бўйича бир-биридан кескин фарқланмади. Бу эса албатта тадқиқот йилларининг иқлим шароити ва қўлланилган агротехник тадбирларига бевосита боғлиқдир.

Мош экинида маъдан ўғитларни $N_0P_0K_0$ кг/га меъёрда қўлланилган назорат (1) вариантыда дон ҳосили тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 11,2; 11,7 ва 11,4 ц/га ни, 3 йилда ўртача 11,4 ц/гани ташкил этганлиги аниқланди. Минерал ўғитлар меъёри $N_{25}P_{90}K_{60}$ кг/га ҳамда таркибида NPK ва микроэлементлари бўлган суюқ ҳолдаги ўғит суспензия сифатида амал даврида (майсалаш, гуллаш ва дуккаклаш) 3 марта қўлланилган 2-вариантда юқоридаги кўрсаткичларга мос равишда 14,6; 15,3 ва 14,8 ҳамда 14,9 ц/га ни ташкил этган ҳолда назорат вариантыдан 3,4; 3,6 ва 3,4 ҳамда 3,5 ц/га юқори, яъни қўшимча дон ҳосили олинганлиги кузатилди.


Минерал ўғитлар меъёри $N_{50}P_{90}K_{60}$ кг/га ортиши ҳамда NPK ва микроэлементлари бўлган суюқ ҳолдаги ўғит суспензия сифатида амал даври давомида 3 марта қўлланилган (3) вариантда тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 14,8; 15,7; 14,9 ц/га ва 3 йилда ўртача 15,1 ц/га дон ҳосили олинган бўлиб, минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыдан 3,6; 4,0 ва 3,5 ҳамда 3,7 ц/га юқори, лекин минерал ўғитлар меъёри $N_{25}P_{90}K_{60}$ кг/га ҳамда таркибида NPK ва микроэлементлари бўлган суюқ ҳолдаги ўғит суспензия сифатида амал даврида (майсалаш, гуллаш ва

дуккаклаш) 3 марта қўлланилган 2-вариантдаги кўрсаткичдан 3 йилда ўртача 0,2 ц/га фарқланди, холос. Таъкидлаб ўтиш керакки, минерал ўғитлар меъёри ортган сари ҳосилдорлик кескин ортиши кузатилмаганлиги аниқланди. Бунда мош азотли ўғитлар меъёри ортиши мош экини учун ижобий самара бермаслиги кузатилди. Азотли ўғитлар меъёрини 75 кг/га оширишда 50 кг/га нисбатан кам бўлиши ўсимликнинг бўйнинг баланд бўлиши, ҳосил элементларининг кам бўлиши ёки ғовлаш орқали ўсганлиги билан ифодалаш мумкин.

Шунингдек, минерал ўғитлар меъёрини янада $N_{75}P_{90}K_{60}$ кг/га га ортиши билан ҳамда таркибида NPK ва микроэлементлари бўлган суюқ ҳолдаги ўғит суспензия сифатида амал даврида (майсалаш, гуллаш ва дуккаклаш) 3 марта қўлланилган (4) вариантда 3 йилда ўртача 15,0 ц/га дон ҳосили олиниб, минерал ўғитлар меъёри $N_{25}P_{90}K_{60}$ кг/га + суспензия қўлланилган 2-вариантдаги кўрсаткичдан 0,3 ц/га юқори $N_{50}P_{90}K_{60}$ кг/га + суспензия қўлланилган вариант кўрсаткичидан эса 0,1 ц/га камроқ бўлганлиги аниқланди.

Таҷрибада нисбатан юқори дон ҳосили яъни мақбул кўрсаткичлар $N_{50}P_{90}K_{60}$ кг/га ҳамда таркибида NPK ва микроэлементлари бўлган суюқ ҳолдаги ўғит суспензия сифатида амал даврида (майсалаш, гуллаш ва дуккаклаш) 3 марта қўлланилганда (6-вар) кузатилиб, тадқиқот йилларига мос равишда дон ҳосили 18,9; 19,3; 19,2 ц/га ва 3 йилда ўртача 19,1 ц/га ни ташкил этган ҳолда назорат вариантдан 4,7; 4,7; 4,8 ва 4,8 ц/га юқори бўлганлиги кузатилди.

Минерал ўғитлар меъёри янада $N_{75}P_{90}K_{60}$ кг/га га ортиши ҳамда таркибида NPK ва микроэлементлари бўлган суюқ ҳолдаги ўғит суспензия сифатида амал даврида (майсалаш, гуллаш ва дуккаклаш) 3 марта қўлланилиши билан 3 йилда ўртача 19,3 ц/га дон ҳосили олинган ҳолда назорат вариантдан 5,0 ц/га, $N_{50}P_{90}K_{60}$ кг/га + суспензия қўлланилган 3-вариантга нисбатан 0,2 ц/га фарқланди, холос.



Расм: Минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда мош ва соянинг дон ҳосили, ц/га

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида такрорий экин мош ва соянинг дон ҳосили минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқлиги аниқланди ва азотли ўғитлар меъёрининг кескин ортиши дони ҳосилига сезиларли таъсир кўрсатмаганлиги кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент-2007 й.
2. Маннопова М., Сиддиқов Б., Мирзааҳмедов Б. Соянинг такрорий экишга мос янги навлари. “Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари”. Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. Ташкент-2007-йил, 418-422-бетлар.
3. Мирзаев Н., Абдуазимов А. Соя навларининг 1000 дон дони вазнига азотли ўғитларнинг таъсири. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази «Қишлоқ хўжалиги илм-фанида ёшларнинг роли» республика илмий-амалий конференцияси 14-15 август илмий мақолалар тўплами II-жилдлик. Ташкент-2020 йил. 212-214 бетлар.